



Аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади!

1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

Biz — kelajak bunyodkorimiz!



№19 (16324)

2019-YIL 8-MART, JUMA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@mail.ru

@Yoshlarovozi

Сайтнинг ушбу учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам опа-сингиллар!

Хурматли дўстлар!
Бугун мана шундай дилбар, қутлуғ баҳор айёмида сиз, мунис оналаримиз, ҳурматли опа-сингилларимиз, сулув қизларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамнингиз — Халқаро хотин-қизлар кунин билан чин қалбимдан муқаббат билдираман.

Сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини табриқлаб, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли юртдошлар!
Ҳаммамиз яхши тушунамиз, “Меҳр — ҳаётнинг устуни”, деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун муҳассас.

Бу ҳақда гапирганда, муқаддас она, аёл зоти — чинакам меҳр бўлган, меҳр қуёши, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Шу қуёш бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан бунён безоволи яшаб келмоқда.

Шу бонс бутунги қувончи айёмда аввало дунёда “филоий” деган сўзга энг муносиб бўлган Она сиймоси олдига таълим қиламиз. Ҳаётимиз қувончи, ҳонадонларимиз кўрки бўлмиш азиз аёлларимиз шайнига энг гўзал тилакларимизни изҳор этаман.

Ер юзидан сўз ва соҳ саъяти, шоиру ҳофиз, расом ва ҳайкалчи шайи пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, “Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди”. Чунки, аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Бизга мана шу ёруғ, гўзал оламни янада гўзал ва ёруғ қилиб турганларингиз учун катта раҳмат сизларга!

Биз — Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йиғитлари сиз, азизларга кўтариб ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интилоқдамиз.

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги деб тушунамиз. Сизларнинг соҳ-саломат бўлиб, бахтли бўлиб яшашингизни амалга ошираётган барча-барча ислохотларимизнинг асосий мақсади ва мезони деб биламиз. Бу йўлда эришган натижаларимиз фақатгина биринчи қадамлар бўлиб, сизларнинг қўллаб-қувватла-

шингиз, дуоларингиз, ҳеч шубҳасиз, бизга чексиз куч-гайрат бағишлайди.

Қадрли опа-сингиллар!
Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Лекин сизларнинг барча соҳалардаги самарали меҳнатингиз, фарзандлар тарбияси, оила ҳаётидаги улкан хизматларингизни ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, жамиятдаги ўрнингиз, Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлардаги бекиёс ҳиссангизни ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 миң 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улдуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фондан зиёд, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фонзин, кишлоқ хўжалигида 45 фондан ортиқни, саноатда 38 фонзин ташкил этмоқда. Ва сизларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатларингиз давлатимиз, халқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Мустақиллик йилларида 2 миң 180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган ҳам шундан далолат беради. Уларнинг орасида ўнлаб Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан арбоблари, халқ ўқитувчилари, халқ шоирлари, халқ артистлари борлигини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Бугунги давримизда турли жаҳаларда астойдил меҳнат қилаётган она шундай жонқур, оқил, меҳр-оқибатли аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъдодли қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Уларнинг барчаси Ўзбекистон инсоний салҳиятининг олтин фондини ташкил этади, десак, ҳеч қандай муволаба бўлмайди.

Мамлакатимиз таракқиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фазилатларингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаятганингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар!
Барчангизга маълумки, биз “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва она институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни туддан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони билан қабул қилдик. Ўтган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Мамлакатимиз таракқиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фазилатларингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаятганингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар!
Барчангизга маълумки, биз “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва она институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни туддан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони билан қабул қилдик. Ўтган қисқа даврда ушбу фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Мамлакатимиз таракқиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатингиз, эзгу фазилатларингиз билан ҳаммага ўрнак бўлиб келаятганингиз учун сизларга ўз номимдан, кўп миллатли бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

1 та фармони, 2 та қарори, ҳуқуқиматининг 6 та қарори ва 4 та фармоийи қабул қилинди.

Ана шу ҳужжатлар асосида илгари имкониятлари чекланиб, фаолияти сусайиб қолган Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг худудий бўлимлари бутунлай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда ушбу тизимда катта билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган 10 миңдан ортиқ опа-сингилларимиз хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитасининг худудий бўлимлари қошида “Ҳуқуқшунос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ташаббускор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Фахрий аёллар” жамоатчилик уюшмалари ташкил этилди. “Йил аёли”, “Ибратли оила” танловлари ўтказилмоқда. Энг асосийси, амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар бутун ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва юртимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлик кучайтирилиб, 3 миңга яқин етакчи хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилган эътиборга лойиқдир. Айни вақтда ижтимоий фаол аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаб бориш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш тизими яратилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаракати катта салоҳият ва истиқболга эга эканини кўрсатади.

Хабарингиз бор, бу йил юртимизда миллий парламентимиз ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Ана шу сайловларга аёлларимиз ҳам катта таъйирлик кўрмоқда. Шу мақсадда жойларда “Депутатликка старт” акциялари ташкил этилаётганини биз албатта қўллаб-қувватлаймиз.

Сизларга маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимиз депутатлар корпусининг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Ўтган икки йиллик тажрибамизни, аёлларнинг сиёсий оғли ва савияси ошиб бораётганини инобатга олиб, бу рақамни анча кўпайтирсак, ўйлайманки, адолатдан бўлади.

Хотин-қизлар кўмитасининг халқаро фаолияти ҳам кучайиб бормоқда. Масалан, янги тузилган Ўзбекистон иختирочи аёллари маркази ташаббус билан юртимиз олимлари ўтган йили Корея Республикасида ташкил этилган халқаро форумда муносиб иштирок этдилар.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тўтган ўрни ва нуфузини ошириш, хотин-қизларимизнинг оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида кишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаятган бир гуруҳ аёлларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ”

Салоҳий Дилором Исомиддин-қизи — Самарқанд давлат университетининг мумтоз адабиёт тарихи кафедраси муdiri, Самарқанд вилояти

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ”

Маркелова Людмила Васильевна — Республика иختисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг велоспорт бўлими катта мурабий-ўқитувчиси

“ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

Ваҳидова Гулҳебра Гулямевна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Мустафаева Ханифа — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Рашидова Сайёра Шарафевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти директори

Саламова Назира — Тошкент шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фонди раҳбари

Ханимова Улмас Пахритдиновна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

“МЕХНАТ ШУХРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Абдирова Тазахан Мамбеткаримовна — “Кўнгрот сода заводи” масъулияти чекланган жамиятининг цех аппаратчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абидова Муҳаббат Фазилловна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Алиева Зухраон Каримовна — Қува тумани “Қува ҳаёти” газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

Арипова Тамарахон Устатовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иммунология ва инсон геномикаси институти директори

Арсланова Наргиза Муталловна — Тошкент шаҳридаги “Akfa Dream World” масъулияти чекланган жамияти кран машинисти

Базарова Матлуба — Бухоро вилояти хунармандчиликни ривожлантириш маркази раҳбари

Қўшбаева Шарапат — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Қосимова Олмадон Иминджановна — “Сирдарё иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш соҳаси ва техник хисоб-китоб бўлими муҳандиси, Сирдарё вилояти

Максудова Зулфия Рузиматовна — Тошкент шаҳридаги “DMC” инновацион кўп тармокли клиника директори

Муҳитдинова Мукарам Ишановна — “Нуроний” жамғармасининг Марказий Кенгаши фахрий аёллар билан ишлаш гуруҳи раҳбари ўринбосари

Салахитдинова Муҳаррам — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Султанова Сайёра Умаровна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Ҳабибуллаева Элеонора Раҳматжановна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

Азимова Гулрано Зухуровна — Юнусобод туманидаги имконияти чекланган болалар учун иختисослаштирилган 87-мактаб директори, Тошкент шаҳри

Эрланова Малика Махкамовна — Янгиқўрғон туманидаги 59-оилавий поликлиника муdiri, Наманган вилояти

“ДўСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Абдусаттарова Шоира Қаҳрамоновна — Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри

Азимова Раъно Усмоновна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон

Атаматова Хадича Саломовна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Дулутовна Гулстан Отемисовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Қорақалпоғистон Республикаси

Дурдиева Гавхар Салаевна — Хоразм Маъмуви академияси Жабубий Оролбўйи тарихий меъморий ёдгорликларини синаш ва таъмирлаш лабораторияси муdiri, Хоразм вилояти

(Давоми 2-саҳифада)

ҲАЁТИМИЗ ГУЛТОЖИ, МУНИС АЁЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Азалдан аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга гамуўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади. Улар бежиз ёшарш ва янгилаш фаоли — баҳорга киёсламайди. Мамлакатимизда лобар, продали, ишбилармон, истеъдодли хотин-қизлар доимо эътироф этилиб, эъзозланади.

Пойтахтимиздаги “Эъзозмарказ” миллий кўргазмалар залида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Ватанамиз раванки йўлида самарали меҳнат қилаётган, жамият ҳаётининг барча жаҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, иктидорли қизлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари сафидаги хотин-қизлар иштирок этди.

Байрам иштирокчилари дастлаб Мустақиллик ва эзгулик монументи — Бахтиёр она хайкали пойига гул қўйди. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини табриқлади.

Халқ розилиги, аввало, муҳтарам оналар, хотин-қизларнинг розилиги билан боғлиқлиги, уларнинг соҳ-саломат бўлиб, бахтли яшашини таъминлаш барча ислохотларнинг асосий мақсади ва мезони экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг бундан бир йил муқаддам қабул қилинган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва она институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни туддан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси

фаолиятини замон талабига монанд йўлга қўйиш имконини берган бўлса, ушбу ҳужжат билан “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази мутлоқ қайтадан, янги асосда ташкил этилди.

Ҳужжатга кўра, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини оширишга оид амалий ишлар туддан тақомиллаштирилди. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ердамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ноиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тuzиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ишлар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Хар икки ташкилот томонидан бевосита оилалар билан ишлашга жидадий аҳамият берилмоқда. Худудларда хонадонма-хонадон юриб, оилалар, хотин-қизларни ўйланчиратган долзарб масалалар чуқур, таҳлилий тарзда ўрганилмоқда. Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш орқали оилалар фаровонлигини юксалтириш бўйича ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш ҳаётга ижтимоий жорий этилмоқда. Оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида жойларда “Келин-куёв инновацион мактаби” фаолияти йўлга қўйилди. Бу борадаги амалий чора-тадбирларнинг барчаси оилалар фаровонлиги, ундаги ижтимоий, маънавий-ахлоқий муҳитнинг баркарорлигини таъминлаш, ёшлар маънавиятининг юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётида тўтган ўрни ҳамда нуфузини оши-

риш, фарзандларимизни миллий, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, юртимизда олиб борилаётган туб ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 6 март куни қабул қилинган “8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, кишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаятган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида атоқли олимлар, шоир ва адибларнинг садоқатли умр йўлдошлари ҳам борлиги алоҳида эътиборга молик.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан Ўғирма саккиз нафар киз аъло ҳулки, ноёб истеъдодли, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқидидаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокчи аёлларга юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

Байрам санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятнинг иктидорли кизларини аъло ҳулки, ноёб истеъдодли, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқидидаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин муносабати билан ўтказилган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятнинг иктидорли кизларини аъло ҳулки, ноёб истеъдодли, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқидидаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин муносабати билан ўтказилган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг хар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдод ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 март



Аёлларни мукаррам тутинглар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланғич 1-саҳифада)

Косимбетова Кутли Абдуллаевна — Кўнгирот туманидаги “Коракалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Қоракалпоғистон Республикаси

Кучарова Дилдора Лутғуллоевна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Узархив” агентлиги бош директорининг ўринбосари

Мамуржонова Мастураҳон Анваровна — “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг Узуи тумани бўлими раҳбари, Сурхондарё вилояти

Матъкубова Параҳат Майлиевна — Тошкент давлат техника университетининг метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси мудири

Мусаева Сайёра — Мехнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Мухторова Назира Абдусаттаровна — Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси

Отаева Фароғат Мўминовна — Миришкор туманидаги “Янги Миришкор агропилла” масъулияти чекланган жамияти раиси, Қашқадарё вилояти

Пах Рита Исековна — Ўзбекистон корейс маданий марказлари уюшмаси раисининг ўринбосари

Сативалдиева Танзила Мансуровна — “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи суви эритмалар электролизчиси, Тошкент вилояти

Содиқова Масудхон — Тўрақўрган туманидаги “Дилрабо — СДА” кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси директори, Наманган вилояти

Тулекова Зиба Талибқонова — Топди тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси, Навоий вилояти

Тухтабоева Очохон Турабоевна — Сўх тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси, Фарғона вилояти

Хайдарова Нилуфар Анваровна — Андижон шаҳридаги “Zahiriddin Muhammad Bobur Universal Academy” нодавлат таълим муассасаси директори, Андижон вилояти

Шариатуллаева Марям — Мехнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Шарифходжаева Лолаҳон Усмановна — Мехнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Юсупова Хадия — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси

“ШУХРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Бобоқонова Нигора Юсуповна — Мирзачўл туманидаги 2-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Жиззах вилояти

Жураева Шоира Шонийевна — Сурхондарё вилояти мусикали драма театри бош балетмейстери

Комалова Мехринисо Нафасовна — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Яккабоғ тумани Кенгаши раисининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Кучанова Нигора Кучкарловна — Урганч шаҳридаги “Хоразм технология” хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Одилова Гулноза Комилжоновна — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

Орипова Ойимхол Аҳмедовна — Нурота туманидаги “Мурувват” ногирон эркаклар учун интернат уйи катта ҳамшираси, Навоий вилояти

Отахонова Одинаҳон Иномовна — Шаҳрихон туманидаги “Иномжон файз” фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Садикова Дилбар Юсупжоновна — Бекobod шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси, Тошкент вилояти

Садуллаева Рано Шавкатовна — Сирдарё туманидаги “Сирдарё универсал ойна” масъулияти чекланган жамияти техник-назорат бўлими оператори, Сирдарё вилояти

Топова Мойра Набиевна — Бухоро шаҳридаги “Шайх-ул Олам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Убайдуллаева Хурида Абдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг геномика ва биоинформатика маркази лаборатория мудири

Хамдамова Манлула Норимовна — “Хунарманд” уюшмасининг Самарқанд вилояти бошқармаси “Устоз-шогирд” мактаби раҳбари

Юлдашева Зулфия Кураловна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ёзувчи

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 мартдаги ПҚ-4218-сонли қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Канпазарова Сапура Жалғасбай кизи — Қоракалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси

Тулева Сарвиноз Абдулла кизи — Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали қошидаги Тўртқўл академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Мухторжонова Хуснигул Нодирбек кизи — Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси

Тождидинова Ойгул Фозилжон кизи — Андижон вилояти Избоскан туманидаги “Айгул-текстиль” ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Остонаева Севараҳон Саид кизи — Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Истамова Дилафрўз Ойбек кизи — Тошкент давлат юридик университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Йўлчиева Зухра Умнаткул кизи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиззах академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Умарова Сабина Султон кизи — Жиззах давлат педагогика институтининг 1-босқич талабаси

Алишерова Ёззола Жамшид кизи — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси

Шукурова Мохигул Бокиевна — Тошкент давлат аграр университетининг 3-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Абдуллаева Рухсора Собировна — Навоий давлат қўнчилик институтининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Куватова Гулбону Муродуллоевна — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қонимех тумани Кенгаши бош мутахассиси (Навоий вилояти)

Абдулхамидова Гулшоабегим Камолитдин кизи — Наманган санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Исманова Азизаҳон Махаммадали кизи — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Расулова Ҳилола Комил кизи — Самарқанд шаҳридаги 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Қаноатова Мадина Рафиқ кизи — Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Эргашева Шохиста Алижон кизи — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 1-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Зулфиқорова Азизаҳон Баходир кизи — Гулистон давлат университетининг 4-босқич талабаси

Астанакулова Камилла Шуҳратовна — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси

Алиқулова Дилдора Шуҳрат кизи — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Шерзодова Хулқар Шерзод кизи — Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Осипова Светлана Валерьевна — Тошкент вилояти Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпиада захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси

Қурбонова Мохидил Улугбек кизи — Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси

Рўзиева Паризода Муродали кизи — Фарғона вилояти Қўқон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Отабоева Дастигул Азимбой кизи — Хоразм вилояти Урганч санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Машарипова Зумрад Кучқорбоевна — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Умарова Нигораҳоним Нуъмонжон кизи — Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг 3-босқич талабаси

Асадова Дилноза Жовлиевна — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг 9-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Канпазарова Сапура
Жалғасбай кизиТулева Сарвиноз
Абдулла кизиМухторжонова Хуснигул
Нодирбек кизиТождидинова Ойгул
Фозилжон кизиОстонаева Севараҳон
Саид кизиИстамова Дилафрўз
Ойбек кизиЙўлчиева Зухра
Умнаткул кизиУмарова Сабина
Султон кизиАлишерова Ёззола
Жамшид кизиШукурова Мохигул
БокиевнаАбдуллаева Рухсора
СобировнаКуватова Гулбону
МуродуллоевнаАбдулхамидова Гулшоабегим
Камолитдин кизиИсманова Азизаҳон
Махаммадали кизиРасулова Ҳилола
Комил кизиҚаноатова Мадина
Рафиқ кизиЭргашева Шохиста
Алижон кизиЗулфиқорова Азизаҳон
Баходир кизиАстанакулова Камилла
ШуҳратовнаАлиқулова Дилдора
Шуҳрат кизиШерзодова Хулқар
Шерзод кизиОсипова Светлана
ВалерьевнаҚурбонова Мохидил
Улугбек кизиРўзиева Паризода
Муродали кизиОтабоева Дастигул
Азимбой кизиМашарипова Зумрад
КучқорбоевнаУмарова Нигораҳоним
Нуъмонжон кизиАсадова Дилноза
Жовлиевна

Она шундай зотки, барчанинг ўрнини босиши мумкин, лекин ҳеч ким унинг ўрнини боса олмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Бошланғич 1-саҳифа)

Мухтарам дўстлар! Бугунги даврамизда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган Франция Республикасининг Фавкулдада ва мухтор элчи Виолет де Вильмор, Хитой Халқ Республикасининг Фавкулдада ва мухтор элчи Цзян Янь, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги турли вазолатхоналарининг раҳбарлари бўлган Ашита Миттал, Миско Ябута, Лиан Куппенс, Мария дель Пилар Алварез-Ласо хонимларни кўриб турганимиздан гоёт мамнунимиз. Мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ана шу ҳурматли меҳмоноларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан кутиб, эзу тилакларимизни билдиришга кўйиб бергайсиз. Азиз опа-сингиллар!

Барчангизга маълумки, биз учун меҳр-муҳаббат кўрғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш кейинги пайтда юртимизда давлат сибасати даражасига кўтарилиди. Ана шу сибасати белгиланган муҳим ҳужжат — Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияни ҳайта таҳлиқ этиш мақсадида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази қайта ташкил этилди.

Оила масаласини комплекс ўрганиб, мавжуд ҳолатини таҳлил этиш, мониторинг қилиш ва баҳо беришга, илмий тадқиқотлар орқали оила фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган янги тизим яратилди.

Илгари Адлия вазирлиги тасарруфидан бўлган фуқаролик ҳолатига оид ҳужжатларни қайд этиш идоралари туман ва шаҳар ҳокими ўринбосари — Хотин-қизлар кўмитаси раисига бўйсундирилди. Ҳозирги вақтда улар томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Албатта, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун, сифати ва самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бугунги кунда илмий амалга оширилаётган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажикимиз», «Хар бир оила — тадбиркор» каби дастурлар айна шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугун «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзоладим.

Бу қарорда аёлларнинг меҳнат ва пенсия соҳасидаги ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлаш бўйича муҳим янги кафолатлар белгилаб берилмоқда. Аёлларга эз бизнесини ташкил этиш, бизнес соҳасини таяйишда ёрдам бериш, узоқ вақт давомда бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иктивидий аҳолига тушиб қолган аёлларни талаб қатта бўлган касогага таяйиш ва ишга joyлаштириш учун уларга кўмаклашиш мақсадида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилмоқда. Аёлларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 100 миллиард сўм ажратилади. Бу маблағ уларга иттибиқ кредит сифатида берилади. Мазкур маблағларнинг қамда 50 фоизи қишлоқ joyларда яшаётган хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлигини ривожлантириш учун йўналтирилади.

Биз опа-сингилларимизни хар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бу борадаги эзу ишларни бундан буён ҳам давом эттирамиз. Қадри юрдошлар!

Халқимизда «Эл соғлиги — юрт бойлиги» деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам, тинчлик билан соғлиқни асрасак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Бу масалада ҳурматли аёлларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда барча ҳудудларимизда перинатал, скрининг, репродуктив саломатлик ва диагностика марказлари фаолият кўрсатмоқда. Турғуқ бўлимлари, кўп тармоқли поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари сони ортиб бормоқда. Ушбу тиббиёт масканларида аёллар ва киз болалар йил давомида чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказилиб, уларга доимий патронаж хизмати кўрсатишмоқда. Бу эса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун зармин яратиши шубҳасиз.

Хотин-қизларга учрайдиган касалликларини барвақт аниқлаш ва даволлаш ишлари самарали ташкил этилаётгани туфайли аёллар ўртасида касалликлар қариб 2 баробар, оналар ўлими 3 марта, гўдақлар ўлими эса салкам 4 марта қамалди. Ўтказилган скрининг текширишлари натижасида 2018 йилда 5 минг нафар қачалоқда оғир нуқсонлар билан туғилган ҳафти бартараф этилди.

Утган йилдан бошлаб биз бу борада яна бир қатта ишни бошладик. Яъни, барча шаҳар ва туманлар, айниқса, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги марказий поликлиникалар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари қосида аёллар учун маслаҳатхоналар ва болалар саломатлик марказлари ташкил қилинмоқда.

Яъни боласизлар, мен «Богча борган бола билан богча борган боланинг ўртасида қатта фарқ бор», деган фикрни, ҳаётини ҳақиқатан тақдор-тақдор айтишдан, уни ҳамма joyда даъват қилишдан қачинамайман. Утган даврдаги икки йиллик тажрибамиз ва joyларда аҳоли билан олиб бораётган мулоқотларимиздан келиб чиқиб, ана шу фикрга қўшимча қилиб айтмоқчиман: «Богча борган боланинг онаси билан богча борган боланинг онаси ўртасида ҳам қатта фарқ бор». Чунки хар куни тарбиячилар, педагог мутахассислар, психологлар, тиббиёт ходимлари билан мулоқотда бўлиб, боласиздаги ижобий ўзгаришларни кўриб, оналарнинг ҳам билими, ҳаётини тажрибаси, маданият савияси ошади. Болалар билан бирга улар ҳам ижтимоий-маънавий тарбия муҳитига, жамиятга яқинлашади, фаоллашади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз мактабга таълим соҳасига улкан эътибор бермоқдамиз.

Уйлайманки, меҳрибон оналар, буви-жонлар сифатида бунинг аҳамиятини сизлар ҳаммадан кўра кўпроқ тушунасизлар. Бугунги кунда мамлакатимизда 7 минг 104 та мактабга таълим мақсади билан фаолият кўрсатмоқда. Кейинги 2 йил давомида 2 минг 211 та янги болалар ташкил этилиб, уларга қўшимча 243 минг бола қабул қилинди. Бошқача айтганда, юртимизда богча ёшидаги болаларнинг мактабга таълим муассасалари билан қамраб олиш даражаси сўнгги бир ярим йилда 12 фоизга ошиб, 38 фоизни ташкил этмоқда.

Биз яқин 4-5 йилда юртимиздаги богча ёшидаги барча болаларни мактабга таълим муассасаларига тулқин қамраб олиш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу — бизнинг аёлларимиз, болаларимиз олдидagi қарзимиз, керак бўлса, келажак ўлидаги муқаддас вазифамиз ва биз уни албатта адо этамиз.

Олий таълим соҳасида ҳам қатта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Ҳиндистон, Италия, Сингапур, Латвия каби давлат-

ларнинг 14 та университети ва институтларнинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, вилоятларда ташкил этилган республика олий ўқув юрталарининг 23 та бўлими ҳам иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимиздаги олий таълим масканларида 373 минг 500 га яқин ёшларимиз таълим олмақда. Улардан 168 минг 470 нафарини, яъни 45,1 фоизини қизлар ташкил этиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Мамлакатимизда болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг билим олиши, меҳнат қилиши, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича эришилаётган натижалар нафақат юртимиз аҳолиси, балки халқаро ҳамжамият, ҳусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бу борада баъзи мисолларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Охириги икки йилда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш ҳажми 2 баробар оширилди.

Қиёссал учун айтганидан бўлса, агар 2014-2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик учун жами 3 триллион 800 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, биргина 2018 йилнинг ўзида эса бу қўрсаткич 3 триллион 361 миллиард сўмни ташкил этди.

Уйлайманки, ана шу рақамларнинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Бундан ташқари, янги ташкил этилган Хотин-қизларни ва оилали хар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан йиллик тулови 7 фоиз бўлган иттибиқ кредитлар бериш тизимини жорий этилди. Бу мақсадлар учун ўтган йил 50 миллиард сўм ажратилди. Бу эса аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда, ҳунармандлик, касаначилик, томорка ҳўжалиги билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратиш беришга хизмат қилади.

Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан joyларда 2018 йилда 2 мингдан зиёд кичик цех ташкил этилиб, 18 мингга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланди. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда «Устоз-шогирд» тизими асосида ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу тажрибани барча ҳудудларда қўллаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳудудларда зўрликдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича 155 та марказ, «Ишонч телефонлари» ташкил этилди.

Хабарингиз бор, ўтган қисқа даврда юртимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ушбу тизим асосида 2018 йилда 47 минг 690 нафардан ортиқ оғир шароитда яшаётган, шунингдек, 13 минг 344 нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг муаммолари joyида ўрганилди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида ана шундай хотин-қизларнинг 14 минг 750 нафардан зиёдаги тиббий ёрдам қўрсатилди, 13 минг 636 нафари ишга joyлаштирилди, 24 минг 660 нафардан ортиғига 21 миллиард 540 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Шу тоифага мансуб, уй-joyига эҳтиёжи бўлган опа-сингилларимизга 4 мингга яқин арзон уй-joyлар топширилди, давлат томонидан уларнинг бошланғич

бадаллари тўлаб берилди. Ана шу турар joyлар атрофида тикувчилик цехлари ташкил этилиб, қариб 1 минг нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Биз бу ишларни бундан буён ҳам албатта илчил давом эттирамиз. Жумладан, 2019 йилда 1 минг 576 нафар шариити оғир хотин-қизлар уй-joyлар билан, шу тоифага мансуб 13 минг нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланди.

Хотин-қизларни ва оилали хар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан оғир шароитда яшаётган, ногиронлиги бўлган 1 минг 460 нафардан зиёд хотин-қизларга арзон уй-joyлар учун 54 миллиард 580 миллион сўмдан ортиқ бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Албатта, ҳақиқатан ҳам кўмакка муҳтож бўлган бундай аёлларга кейинги 10 йилда арзон уй-joyлар берилганини ҳеч қим эслаш олмас керак. Чунки бундай тизимнинг ўзи йўқ эди.

Шунингдек, жорий йилда оғир ижтимоий аҳволда яшаётган, ногиронлиги бўлган 15 минг 282 нафар аёлга тиббий ёрдам қўрсатилди. Шу тоифага кирадиган 10 мингга яқин хотин-қиз ногиронлиги аравачаси, эшитиш ва ҳаракатланish воситалари билан таъминланди.

Аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Лекин ўзининг уй-joyига, иш ўринига эга бўлган хар бир аёлнинг ортда онаси, фарзандлари, ота-онаси, яқинлари борлигини ҳисобга оладиган бўлса, қанча хонадонга қувонч киргани, қанча одамнинг руҳи кўтарилиб, уларда қанча келажакка ишонч пайдо бўлгани биз учун энг муҳим натижадир.

Мухтарам йилги иштирокчилари! Барчангиз яхши биласиз, халқимиз, миллатимиз киз фарзандларни доимо асраб-авайлаб, меҳр билан вояга етказиб, уларни «она кизим» деб ардоқлайди. Чиндан ҳам, қизларимиз — бизнинг келажакимиз, миллатимиз генотипининг асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонларидир ва уларни жисмоний ҳамда маънавий баркамол этиб тарбиялаш — эзу бурчимиз.

Айниқса, ҳозирги кунда қизларимизга замонавий таълим, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, оила тайёрлаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда барча таълим масканлари ва маҳалларда фаолият кўрсатаётган «Қизларжон», «Киз бола ва ёш оила», «Мустақил ҳаёт остана-сида», «Ораста қизлар» каби клублар фаолиятини реал ҳаётга, ёшларимизнинг орзу-интихилларига янада яқинлаштириш керак, деб уйлайман.

Шу ўринда яқинда Наманган вилоятида айтган бир фикримни яна тақдирламоқчиман.

Агар сиз фарзандиңизга дангиллама уй қуриб берсангиз — вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз — уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз — уям бир кун сарф бўлиб тутгани мумкин. Аммо қўлга ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқомайдиган баҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандиңизга берган билим ва ҳунардир. Лекин биз билан маърифатни қаредан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган ҳазинадан.

Мен юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши китобдон» кўрик-танловини мунтазам қўзатиб бораман. Бу беллашуларда қизларимизнинг энг юқори ўринлари эгаллаётгани уларнинг интеллектуал салоҳият ва тиришқоклик бодида ҳаммаони қойил қолдирётганидан далолат беради. Шу нуқтан назардан қараганда, «Киз-

лар кутубхонаси» номли мобил иловга яратилиб, ишга туширилгани эътиборга лойиқ.

Бугунги кунда буюк шоирамиз Зулфия номидаги Давлат муқофотиға сазовор бўлган қизларимиз сони 283 нафарга етди. Уларнинг кўпчилиги ҳокимиятлар, турли вазирлик, идора ва ташкилотларда, оммавий ахборот воситалари, таълим-тарбия соҳасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Бу муқофотнинг энг қатъи аҳамияти шундаки, унга сазовор бўлган хар бир қизимизга юзлаб, минглаб ёшлар ҳавас қилиб, уларга эргашади. Ёшлар учун ибрат тисоли — етакчилик, лидерлик тисоли пайдо бўлади. Энг муҳими, бундай ибрат ўз қизларимиз орасидан, ўзимизнинг маънавий муҳитдан етишиб чиқмоқда. Уларни кўриб, ёшларимизда ўзинга, ўз кучи ва салоҳиятига ишонч, келажакка иттибиқ пайдо бўлмоқда.

Мана, бугунги даврамизда Зулфия номидаги Давлат муқофотининг бу йилги янги совриндорлари ҳам иштирок этмоқда. Бугун сизларнинг ҳузурингизда уларни шу муқофотларни тантанали рағида топширамиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Барчангиз яхши тушунамизки, биз бундай йилгилиларда нафақат ютуқларимиз ҳақида гапиршимиз, айна вақтда қамчилиқ ва нуқсонларимиз ҳақида ҳам очик-ошкора сўз юритиб, уларни хал қилиш йўллари биргаликда излашимиз зарур.

Тақдор айтаман, халқимиз, аввало, сиз, ҳурматли опа-сингилларимиз билан маслаҳатлашиб иш олиб бормас, хато бағатта кам бўлади.

Шу маънода, аёллар ўртасида ҳуқуқ-барлиқнинг барвақт олдини олиш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида турши лозим. Бу борада, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган шахслар билан яқна тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш масканларидан озод қилинган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, муқаддам судланган, диний экстремистик оқимида даҳлдорликда гумон қилинганлар рўйхатидан чиқарилган 3 минг нафардан зиёд аёл ва нотинч оилаларда яшаётган хотин-қизларга амалий ёрдам беришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Айна вақтда судларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Хотин-қизлар кўмиталари вакиллари жамоатчилик асосида ҳимоячи бўлиб иштирок этмоқда. Бундай янги амалиёт натижасида 2018 йилда жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 893 нафар хотин-қиз қафилликка олиниб, жазодан озод этилди.

Оилавий муаммолар туфайли келиб чиқадиган жиноятларни кескин қамийтириш мақсадида 10 минг 14 та нотинч оила билан профилактика ишлари олиб борилади ва 71 фоиз шундай оиланинг нотинчлиги бартараф этилди.

Хотин-қизлар, маҳаллар, профилактика олиқ инспекторларнинг ҳамкорликда олиб борган ишлари ва қўрилган чоралар натижасида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик 2018 йилда 34 фоизга қамийганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, Олий суд билан Хотин-қизлар кўмитаси ўртасида меҳорамдун имзоланиб, ажрашиш учун ариза берган шахсларни дастлаб Хотин-қизлар кўмитасида сўхтабдан ўтказиш ва ажрим юзасидан ҳулосасини олиш йўлга қўйилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари ўзоро ҳамкорликда олиб борган ишлар туфайли 2018 йилда ажралми ёқасига келиб қолган оилаларнинг 26 минга яқини яраттирилди. Энг муҳими, бунинг нати-

жасида 36 минг 500 нафарга яқин бола ота ёки она меҳридан жудо бўлишдан саслаб қолди.

Юртимизда тўғри йўлдан алашган инсонлар бўлмаслиги учун бу борадаги ишларни жаҳолатга қарши маърифат асосида илчил давом эттиришимиз зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга, бугун мени эшитгаётган барча юрдошларимизга даъват қилиб айтмоқчиман: халқимиз, Ватанимиз тақдирини ва келажакка вевосита даҳлдор бўлган бу масалада ҳеч қим бефарқ бўлиб четда турмаслиги керак. Бу борада нафақат хотин-қизлар кўмиталари, нафақат маҳалла фаоллари, балки барчангиз биргаликда қаттиқ иш олиб бормас, вазият ижобий томонга албатта ўзгаради.

Бу мақсадга эришишда биз хотин-қизларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётини муаммоларини ечиш, оғир-ингиллишларни, қобият ва салоҳиятини рўбёга чиқариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор имкониятларини ишга соламиз. Сиз, азиз опа-сингилларимиз бу масалада аввало ўларнинг ташаббускор бўлиб, фаол иштирок этасизлар, деб ишонаман.

Мухтарам дўстлар! Сизларга маълумки, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар учун «Мўътабар аёл» ишончи таъсис этилган эди. Бу йил 8 март байрами арафасида ушбу муқофот билан 260 нафар опа-сингилларимиз тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни сизларнинг номингиздан, ўз номидан самимий табриқлайман.

Бугунги байрам муносабати билан Ватанимиз тараккиёт, ёшларни фаровонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги муносиб хизматлари учун хотин-қизларимиздан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Муқофотланганлар орасида ўзининг ноёб истеъдоди билан Ватанимиз шухратини дунёга тараннум этган атоқли олимларимиз, шоир ва адилпарварлик сасдоқлиги умр йўлдошлари ҳам борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Уларнинг кўпчилиги бугунги даврамизда иштирок этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг илмий ва адабий мақдоби яқраган улкан олим ва ижодкорларини рафинас бўлиш осон эмас. Буни билган билди, билмаганлар билни қўйса, фақат фойда бўлади.

Мана шундай меҳрибон, оқил, зуқко опа-сингилларимиз ўз умр йўлдошлари — машур илм-фан ва адабиёт номандаларини доимо қўллаб-қувватлаб, уларга илҳом бағишлаб келганлари, маънавий таянч бўлиб, фидойилик намунасини кўрсатганлари хар қандай юксак тахсинга лойиқ.

Юксак унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган опа-сингилларимизни, Зулфия номидаги Давлат муқофотиға сазовор бўлган қизларимизни чин қалбимдан табриқлаб, барчангизга сикат-саломатлик, янги-янги муваффақиятлар, оилавий бахт тилайман.

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар! Ҳиз сизларнинг мана шундай очилиб, ҳаётдан рози бўлиб юришингиз учун, сизларнинг бахту сасдоқлиги учун доимо сикдикдилдан ҳазимат қилишга тайёримиз.

Истаймизки, мана шундай қувончли қизларимиз кўп бўлсин! Барчангизни бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик байрами билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Илқоблингиз баланд, умрингиз узоқ, ризку насибангиз зиёда бўлсин! Ҳамиша соғ-омон бўлинглар!

МЕНИ ЮКСАЛТИРГАН СИЙМО



Шерзод ШЕРМАТОВ, Ўзбекистон Республикасини Халқ таълими вазир:

— Инсон муайян ютуқларга эришишда ота-онаси, оиласи, устозларининг хизмати қатта бўлади. Менинг ҳаётим ҳам истисно эмас.

Ота-онани менга ҳамиша ҳалол ризқ топши, биронинг ҳақига хиёнат қилмаслик, катталарга ҳурмат кўрсатиш ва имкони борича ҳаммага яхшилик қилиш кераклигини уқитарман. Вояга етган сайин бундай тарбия қанчалик муҳим эканини тушуниб етдим. Шу сабабли ҳам АКШнинг Йель университетида магистратура тақсилуни тамомлаш, менга жуда яхши маош

ШОИРЛИК ОНАМДАН ЎТГАН



Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири:

— Мен онамнинг фарзанди бўлмаганимда, онам менга она бўлмаганида — менга бундайин саодат икки дунёда ҳам насиб этмаслигини қомил ишонч билан айта оламан.

Мен шоирлиқни онамнинг ўчоқларидан ўйлардан, тандирларига ёққан оловлари, улардаги ҳўлару қўрлардан юқтирганман! Онама «Бу нонингизни емайман!» — деганимда, қабоҳат замоналарнинг тахир зогора нонларини уриб-уриб едиргани кўзимга ёш, кўнглимга сўз берган бўлса, ажабмас.

Беш ёшларда бўлсам керак, онам, акам ва мен ўчоқ атрофида гуз бўлиб, ҳўнинг остидан чикайдан муъжизани кутардик. Ҳўзир пишиб қолди, — дея онам қозғога ўралган, ярни қуйиб қорайиб кетган бир нимани кўр тағидан қовлаб оларди. Тозалаб, пуфлаб, катта толтовоққа солиб, бир бўлакдан ҳаммамизга тақсимлаб беради.

Болалигимдаги қанча матолару эртатлар эсимдан чиқиб кетган, кўмоч дея аталмиш у сеҳру синоатини таъми билан тафти, унинг қувончларини изтироблари эса, ҳамон мен билан. Бу шоирлик қисматимдаги онамнинг меҳри билан муҳтожликларни кўрида пишиган, гўдақ човларимдаёқ маънисига етганим, англаганим, фаҳмига бориб оне ва қалбимга жўлаганим илк ёмбим сўзим эди, деб ўйлайман.

Яна онам бизга пишириб берадиган кўмча кўрақоблари бор эди. Тандир кўрига ҳам, ўчоқ кўрига ҳам бундай топили-мазали қаболарни Ойибуи момон билан онамдақ ҳеч қим пиширмасди. Бу болалигимнинг мен тўйиб-тўймай жууда тез тўйиб қўладиан байрамларидан энг тансиби ва топилиси эди.

Шак-шўбақаси, бугун қозғога кўчаётган дилимдаги сатрларнинг барчаси волидам билан боғлиқ! Азиз аёллар, мўътабар онажонлар! Айёмингиз қутлуғ бўлсин! Бахтимизга доим бор бўлинг!

БОР БЎЛИНГ ДОИМ!



СТРАХОВАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ООО
ALFA INVEST
ВАШ ПЕРВЫЙ ПАРТНЕР В ЗАЩИТЕ ОТ РИСКОВ

Muhtarama onalarimiz,
opa-singillarimizni go'zallik, nafosat va
bahor bayrami

8-MART — XALQARO
XOTIN-QIZLAR KUNI BILAN
MUBORAKBOD ETADI.

Bahoriy go'zallik aziz ayollarimizni
hech qachon tark etmasin.

BAYRAMINGIZ
MUBORAK BO'LSIN!

Sizlar borki, olam munavvar,
Sizlar borki, ko'ngillar obod.

AKT VA YOSHLAR

QIZLAR HAM ANOYI EMAS



O'zbekistonlik qizlar ikkinchi bor "Digi-Girlz" ta'lim dasturida qatnashdi. Bu safar ishtirokchilar soni 100 nafarga yetgan.

"Microsoft" korporatsiyasining ushbu yirik ijtimoiy loyihasi ko'p yillardan buyon turli mamlakatlarda samarali amalga oshirib kelinmoqda. Bosh maqsad qizlarga xalqaro STEAM tizimi komponentlari — ilm-fan, texnologiyalar, muhandislik, matemati-

ka bo'yicha zamonaviy bilim egallashga ko'maklashish hamda ularning innovatsion faoliyatini rag'batlantirishdan iborat.

Yurtimiz uchun moslashtirilgan "Digi-Girlz High Tech Camp Uzbekistan" loyihasining ilk bosqisi 2-3-mart kunlari Toshkent shahridagi Inha universitetida bo'lib o'tdi. Tadbir davomida qizlar IT sohasidagi nufuzli kompaniyalar — "Microsoft", "D.CODE" "Super

Displate", "DaVinci Solutions" vakillari bilan uchrashib, virtual haqiqat, mobil ilovalar uchun interfeys dizayni yaratish, kasbiy faoliyatda muvaffaqiyat qozonish sirlariga doir mahorat saboqlarini oldi.

So'ngra ishtirokchilar guruhlarga bo'linib, "Arduino" elektron konstrukturi hamda yordamchi materiallardan foydalangan holda amaliy topshiriqlarni bajardi. Kichik guruh akula harakati simulyatorini yaratish ustida ishlagan bo'lsa, katta guruhga himoyalovchi bosh kiyimning tajriba variantini tayyorlash vazifasi topshirildi.

Ikkinchi bosqichda qizlar o'z loyihalarining taqdimotini o'tkazdi. Shu bilan birga, "Microsoft" korporatsiyasining Markaziy va Sharqiy Yevropa bo'yicha bosh menejeri Anke Den Ouden ma'ruzasini tinglashi uchun ega bo'ldi.

"Digi-Girlz High Tech Camp Uzbekistan" tashkilotchilaridan juda minnatdorman. — deydi 166-umumta'lim maktabi o'quvchisi Diyora Ro'zimatova. — Bu loyiha menga kasb tanlashda yordam berdi. Kelajakda dasturchi bo'lishga qaror qildim. Xususiy IT maktabini ochish niyatim ham yo'q emas.

Ta'lim dasturi yakunida barcha ishtirokchilarga sertifikatlar topshirildi. Eng faol yoshlar esa, "Arduino" to'plamlarini ham qo'lga kiritdi.

N.BAHODIROVA

HAYOT MANZARASI

ONAMNING o'tgan kunlari

MUQADDIMA

O'qiyotganingiz badiiy to'qima emas, hayotiy voqealar. Hammasida bir qahramon ishtirok etadi — mening onam. Ehtimol, ayrim voqealar sizga tanishdir. Ular sizning ham hayotingizda ro'y bergan bo'lishi mumkin. Zero, umr yo'llarimiz o'xshash. Onasini hamma yaxshi ko'radi.

Xotiralar asnosida onamni tasvirlashga urindim. Hech nimani yashirmadim. Illo, sog'inch hissi shuni taqozo etgandi.

Ayol — Alloh yaratgan buyuk mo'jiza! Ayol — ona! Onani madh etish — baxt. Ona haqida har qancha gapirsa ham oz! Nima uchun deysizmi? Chunki ona muqaddas! Jannat ham onalar oyog'i ostida. Onangiz poyiga bosh qo'yganda ibodat qilgandek bo'lasiz, to'g'rimi. Imoni but, ota-onasining rozi-rizoligini olganlar aslo kam bo'lmaydi!

Onajon! Siz doim: "O'kir Hoshimov onasiga bag'ishlab asar yozgan! Sen ham men haqimda biron nima yozsang-chi!", — der edingiz. Men indamasdim. To'g'risi, nima deyishni bilmasdim. Yosh edim u paytlar. Sizning mehrbonligingiz, Alloh bergan rizqqa shukrona qilishingiz, sabr-qanoatningiz haqida yoza olamanni-yo'qmi...

Siz boshqacha edingiz, onajon! Dunyodagi hamma onalar boshqacha! Bu bitiklar siz va siz kabi munis ayollarga bag'ishlanadi!

NOGIRON

Amakimning yolg'iz qizi bor. Ismi Gulbahor. Mendan bir yosh katta. Qoshlari qalin, marjon ko'zli, bug'doyrang qiz. Ammo aqli zaif. Bolaligida onasi ehtiyotsizlik qilib, miyasini shamollatib qo'ygan. Amakim shifokor bo'lsa ham, yolg'iz farzandini davolashning uddasidan chiqolmadi. Shu bois alamidan ichar, keyin qarindosh-urug'lar, qo'ni-qo'shnilar bilan janjallashardi. Bu fe'lini ko'pchilik bilsa-da, lekin "Ilhomjonning dardi ichida", — deya indamasdi.

Gulbahor viloyatdagi aqli zaiflar maxsus maktabida o'qirdi. Jussasi kichkina, qoshko'zlarini tim qora, ikki gapni bir-briga qovushtira olmaydigan amakivachchamni bolalikda ko'p ko'rdim. U vaqtda Farg'onada yashardik. Onam bilan oyda bir-ikki marta Gulbahorni yo'qlab turardik. Mening bog'im kelmasa-da, onam qo'yarda-qo'yamay olib ketardi.

Onam Gulbahorni yaxshi ko'radi. Uni mehr bilan bag'riga bosardi. Ba'zida: "Qizalog'im!" — deb yig'lab ham olardi. Negadir Gulbahor ham o'z onasi — kelinyo'ldan ko'ra, volidamga ko'proq talpinar, uning gapini ikki qilmas, ba'zan erkalanardi ham.

— Aya, nega doim shu yerga kelaveramiz? — dedim hech nimaga tushunolmay.

Onam avvaliga javob bermadi. Termosga o'rtilgan ovqatni sumkasidan olib, nonni dasturxonaga qo'ydi.

— Gulbahor sening qarindoshing-ku. Shuning uchun kelamiz-da!

— Kelinyo'lim kelsa bo'lmaydimi?

— Unga ham oson emas. Qizini ko'rib eziladi. Sho'rlikda nima gunoh?

Gulbahor yegulik solingan idishlarga qarab qo'lini cho'zdi.

— Peche ber!! Peche ber!!

— Pecheniy yeysanmi? Mana, ol, qizim. Hammasi senga!

Onam unga turfa shirinliklarni uzatdi. Istaham ochildi. Onamga mo'tiradim.

— Aya...

— Jim, uyat bo'ladi! — dedi onam qovog'ini uyib. U nima demochiligini tushungandi. — Bu senga emas, Gulbahor! Damim ichimga tushdi. Indamay o'tiraverdim. Xonaga razm soldim. Mehmonxonada bizzan boshqa, ozg'indan kelgan, odmigina kiyingan bir ayol va mendan yoshi sal kattaroq bola bor edi. Bolaning boshi qovundek uzun, bo'yni juda ham ingichka. Qo'rqi ketdim.

— Xo'sh, Gulbahor, sanashni o'rgandikmi? — dedi onam uning kalta sochlarini silab. Gulbahor indamas, og'zini to'ldirib narsa yardi. Bir qo'li bilan yengil kalta xol-xol ko'ylagining etagini qayirib olgan, etak esa, onam olib kelgan yeguliklar bilan to'la edi. Gulbahorning shu odati uchun uni ochko'z, deb o'ylardim.

— Aya, ketaylik, — dedim onamning pinjiga qattiqroq suqilib.

— Jim tur! — dedi onam. — O'zi hozir keldik! Namuncha xarxasha qilasan?!

— Qo'rqayman, — dedim siqilib.

Ammo onam menga parvo qilmadi. Gulbahorning qo'ldan tutgancha gapida davom etdi:

— Qara, ancha ulg'ayibsan. Nechchi-ga kirding? To'qqizga. Voy-bo', katta qiz bo'pqopsan-ku! Shariat qayib beraymi? Ehtiyo' bo'lib ich. Hammasi seniki, qizim.

Nihoyat, navbatchi murabbiy keldi.

— Opa, diydorlashuv vaqti tugadi. Bola urinib qolmasin.

— Ha-ya, albatta. Hozir xayrlashib olay. Onam Gulbahorning peshonasidan o'pdi. Keyin navbatchi murabbiyga yegulik to'la sumkalarni uzatib, tez-tez berib turishni tayinladi. Koridorda ketib borayotgan Gulbahorning ortidan uzoq qarab qoldi. Ko'zi yoshlandi.

— Opa, bu qiz kimingiz bo'ladi?

Boyagi o'g'li bilan ko'rishishga kelgan ayol bizni kuzatib turgan ekan. Onam javob berdi:

— Ovsinning qizi.

— Sal avval do'xtirlar aytdi. Bu yerga ko'p kelar ekansiz. Begona qizga shuncha mehr berasiz-a!

— Ha, bolada nima ayb? Ovsinimni yaxshi ko'raman. Bechoraga qiyin. Dardi ichida. Bolasi olisda, qiyaladi sho'rlik. Shu paytda yordam bermasam, qachon yordam beraman?

Onam bilan keyin ham Gulbahorni ko'p yo'qlab turdik. Onamning vafotidan keyin esa, o'sha majruh qizni deyarli ko'rmadim. Shunchalar bemehr bo'lib, begonalashib ketgandirman, balki. Ruh, ongi, tafakkuri, qalb qo'riqiz, majruh mendirman aslida? Bilmadim, bu yolg'iz Yaratganga ayol!

Ammo shuni aniqi, onam barchamizni mehr-muhabbat rishatasi bilan bog'lab turardi. Hech qanday ta'masiz, qalbi buyurganini qilardi. Birovga qattiq gapirmas, gapirsa ham keyin afsus qilib yurardi.

Gulbahor hamon o'shanday. Men esa, musofirchilikda yurib uni unuttim. To'rt muchasi sog' inson qalbining xasta bo'lishi chinakam majruhlik ekan. Onam menga mana shu haqiqatni anglatib ketgandi.

BIR SAVAT SHAFTOLI

Esimda, hovlimizdagi uch-to'rt tup shaftoli shig'il meva solardi. O'sha paytlari otam mansabidan ayrilib qolgan. Opam va akam — talaba, men esa, kollejdagi o'qirdim.

Bir kuni erta uyg'ondim. Onam yo'q. Peshin vaqti darvozadan kirib keldi. Qo'lida mayda-chuyda bozorlik qilingan savatcha. Negadir yuzi so'lg'in, oq-qora gulli ko'ylagining etagiga chang yopishgan. Akam onamning qo'lidagi narsalarni oldi. Opam



choy quyib uzatdi. Otam bu vaqtda uyda yo'q edi. Biz, farzandlar onamning yoniga tizildik. Opam qo'rqa-pisa so'radi:

— Aya, tinchlikmi? Nega kayfiyatingiz yo'q?

Onam javob bermadi. O'lis nuqtaga tikilgan turaverdi. U bo'shliqqa singib ketgan odamga o'xshar, atrofida kim bor, kim yo'q — buni fahmlamasdi, go'yo. Opam savolini yana takrorladi. Bu safar onamni asta turtib qo'ydi.

— Aya, tinchlikmi? Kayfiyatingiz yo'q? Tuzukmisiz?

Onam sekin o'ziga keldi. Qo'lidagi pi-yolani xontaxta ustiga qo'ydi.

— Shaftolini terib, bozorga olib chiqqandim, — dedi u sokin, ammo titroq ovvozda. — Sotgan... — shu topda onam jimib qoldi. Uzoq yutunib, shoshilmay davom etdi.

— Avtobusdan tushayotganida qo'qilib ketdim. Shaftolilar yerga sochildi. Qo'shni mahalladagi bir yigit meni turg'azib qo'ydi.

Biz jim edik. Onam to'satdan yig'lab yubordi. U nega yig'ladi, bilmadim. Xo'rli-gi kelgandimi yoki ro'zg'or tashvishlaridan ezilgan uchunmi...

Yo'q, onam mehmatdan uyalmasdi. "Halol bo'linglar", — derdi mudom.


Akam: "Bozorga nega chiqdingiz?! Shu qoluvdi endi", — deb jahli bilan nari ketdi. Bilib turibman, u o'zini ayblar, onam ko'pchilik o'ldiradi shu holga tushganidan ezilardi.

Keyinchalik akam ishga kirdi. Otamning ishi yurishib ketdi. Biroq haligacha onamning bir savat shaftoli uchun yig'lagani yodimdan chiqmaydi. Hozir o'sha shaftolilar yo'q. Onam ham...

YARIMTA NON

Abituriyent edim. Uyda hech vaqo qolmadi. Onam ro'zg'ordagi bor-budimizdan amallab qozon qaynatdi. Bir tomondan tayyorlov kurslariga boryapman. Pul kerak. Uyda dadam, ayam, akam va men — to'rt kishimiz.

Onam sholg'om va karamdan ovqat pishirdi. Hammamiz xontaxta atrofiga yig'ildik. Otam kosadagi ovqatni indamay ichtirdi. Ko'nglidan neler o'tayotgani o'ziga ayon. U bir vaqtlar katta rahbar bo'lgan, ko'pchilikning nazdida bosar-tusarini bilmay qolgan inson edi. Ammo otam halol ishlardi, mansabidan foydalanmas, qora kunga atab qo'yilgan pulimiz ham yo'q edi. Lekin odamlar buni tushunmas: "Rahbar odam boy bo'ladi!" — deb o'ylardi. Biz esa, oddiy yashardik.



Kech tushdi. Onam dasturxonaga yarimta non qo'ydi. Otam dam onamga, dam bizga qaradi.

— Olinglar, nonni bo'lib yenglar. Onamning tovushi titrab ketdi. Otam nonni ushatib, bizga uzatdi.

— Ol, — dedi menga tikilib.

Tomog'imga bir nima tiqildi.

— Qormim to'q, yemayman.

Otamning ovozi ko'tarildi.

— Ol, deypaman senga!

Qo'rq-pisa nonni oldim. Lekin qaytib dasturxonaga qo'ydim. Otam indamadi. Bir zumdan keyin uh tortib xonadan chiqib ketdi. Onam yerga qarar, akam dasturxon popugini o'ynar, men esa, jim o'tirardim. Nega burchalik qiyalib yashayotganimizni bilmasdim. Yo'qchilikka duch kelishimizning mumkinligi yetti uxlab tushimga kirmagandi.

Hech qancha vaqt o'tmay, ilgarijdek hayotimiz izzat tushib ketdi. Hozir hamma narsamiz bor. Ammo onamiz bu ne'matlar tatimaydi. Gohida o'sha yo'qchilikka yashasak ham mayli, faqat onam hayot bo'lsa edi, deb o'ylayman. Afsuski, buning iloji yo'q!

KECHIRING!

Aya, bilasizmi, bugun qanday kun? Iye, yodingizda yo'qmi? Axir, bugun sizning bayramingiz — 8-mart! Yana bahor keldi. Men esa, yana qabringiz boshiga keldim. Yig'laganim yo'q, aya! Bilasiz-ku, ko'zim tez yoshlanadi. Hozir ham shunday.

Aya, bugun sizdan faqat uz so'rayman. Hammasi uchun kechiring, aya!

Sizni yaxshi ko'rishimni hamon ayta olmayotganim uchun kechiring!

Bu yolg'onchi dunyoning aldovlari, saroblariga uchib, ruhingizga Qur'on tilovat qilmaganim uchun kechiring!

Ko'cha-ko'ya madad istab yuxud qo'lidagi og'ir buyumini bazo'r ko'tarib ketayotgan odamlarga yordam bermasdan, beparvo'larcha o'tib ketganim, sizning o'g'lingiz bo'lolmaganim uchun kechiring!

Ha, o'zimcha sizni yaxshi ko'raman. Suratningizni yonimda olib yuraman. Lekin unga qarashga doim ham vaqtim bo'lmaydi. Qo'rqayman, aya! Sizni sog'inmay qo'lishdan qo'rqayman!

Siz doim: "Opangni ayval! U mening o'rimga senga g'amxo'rlik qiladigan inson", — derdingiz. Men esa, kezi kelgan-da o'sha jigarimni ikkita non bilan yo'qlab borolmadim. Jyalarimni holidan xabar olmaganim uchun meni kechiring, aya!

Men uchun tirgak bo'ladigan mehrbon akamni ham bir bora quchoqlab, yaxshi ko'rishimni aytmaganim uchun kechiring!

Meni, bizlarni deb borini bergan, yaxshi-yomon kunlarni boshidan kechirsa ham irodasi bukilmagani otamning og'irini yengil qilolmaganim uchun kechiring!

Kechiring, aya, hammasi uchun kechiring!

Qalbimdagi borini to'kib-sochdim. Yo'q, sizni yig'latish niyatim yo'q! Bilaman, yonimda bo'lganingizda meni bag'ringizga bosar edingiz.

Eslaysizmi, o'n yoshimda tug'ilgan kunningizga uva sovg'a qiladigan. Yaqinda uning tartibga keltirayotib uni topib oldim. O'sha uva egasiz qolganini ko'rib, yuragim ezildi.

Qo'ying, aya! Hozir siz ham, men ham yig'lamaylik! Bugun ko'z yoshi to'kmaymiz. Bugun qovonamiz. O'tgan shodon kunlarimizni yodga olib, ona-bola xayolan diydorlashamiz. Ma'qulmi?

Ko'rishuncha, ayajon! Tushlarimga kirib turing, bo'ptimi?

Sherzod MAHMUDOV

Oilani xalos qiluvchi ham, halok qiluvchi ham ayol.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafayev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")


Navbatchi

Hasan USMONOV

Dizayner

Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma taqoq.
Korxonada manzil: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeksliar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-313
Adadi — 22248

Bosishga topshirilgan vaqti — 21.00
Topshirildi — 03.55
O'za yakuni — 02.40